

Умра зиёратчилари сайловда фаол қатнашмоқда



15:15 / 27.10.2024 961

Бугун, 27 октябрь куни Саудия Арабистонида умра сафарига бўлиб турган Ўзбекистонлик юртдошларимиз эрта тонгдан «Ал-Алаям Элит» меҳмонхона фойесига ташкил этилган сайлов участкасига кела бошлади. Улар юртимиз тарихидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида қатнашиб, муносиб номзодларга овоз бера бошладилар. Сайловчилар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз ва чет давлатларда ташкил этилган барча шарт-шароитга эга сайлов участкаларида овоз беряптилар.

Ҳозирги вақтда 40 та хорижий давлатдаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналарида 57 та сайлов участкалари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жидда шаҳрида жойлашган Бош консулхонаси, хусусан, Атташе, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари Саудия Арабистони мутасаддилари билан мувофиқлаштирган ҳолда зиёратчиларимиз овоз беришлари учун Макка шаҳридаги «Ал-Алаям Элит» меҳмонхонасида кўчма сайлов участкаси ташкил этилди.

Сайлов қонунчилигига кўра, зиёратчилар учун сайлов бюллетенлари келтирилиб, яширин овоз бериш учун кабиналар ҳозирланди. Сайловга оид зарур маълумотлар жойлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, муборак заминдаги ватандошларимизнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча шароит ва имконият яратилиб, жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида олиб борилмоқда. Умра зиёратчилари сайловда фаол қатнашмоқда